Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 31 октябрь, сешанба. №133. (21.896). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг доимий қўмитаси аъзоси Ху Цзинтао бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов ва ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабулда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гуан Хэнгуан ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ПОКИСТОНДА ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

29 октябрь куни Покистон пойтахти Исломободда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг тақдимот маросими бўлди. Мазкур мамлакат савдо-саноат доиралари ва жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотаётган бу китобнинг тақдимот маросимини Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси билан иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) маданият уюшмаси ташкил қилди.

Тадбир Покистон пойтахти ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унда иштирок этиш учун таниқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, бизнесменлар, Исломободдаги хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, маҳаллий ва хорижий журналистлар «Холидей инн» меҳмонхонасининг қабуллар залига келишди. Маросимда сўзга чиққан ИҲТ уюшмасининг бош котиби, таниқли олим Ғазанфар Меҳди, Покистон коммуникация ва автомобиль йўллари вазири Шаҳид Сиддиқий, ИҲТ маданият уюшмасининг президенти, таниқли Марказий Осиё тадқиқотчиси Аҳмад Ҳасан Дани, Покистон ички ишлар вазири Насурилла Бабар ва бошқалар Ислом Каримов китобига юқори баҳо бердилар.

Нотиқлар бу асар мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини яққол акс эттиришини таъкидлашди. Ислоҳотларни амалга ошириш чоғида бошқа мамлакатлардаги бозор муносабатларидан кўрқўрона нусха олинмагани алоҳида аҳамиятга эгадир. Хорижий тажрибалар диққат билан ўрганилмоқда, лекин барча муаммолар маҳаллий шароитни, ўзбек халқининг тарихи ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинмоқда.

Китобда Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки якунлари умумлаштирилибгина қолмай, шу билан бирга иқтисодий тараққиёт соҳасидаги асосий вазифаларнинг моҳияти ва уларни ҳал қилиш йўллари, кучли демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўллари белгилаб берилгани таъкидланди. Китобнинг муҳим халқаро аҳамияти ҳам мана шундадир, дейишди нотиқлар. Ўзбекистон давлат ва хўжалик қурилишининг янги назарияси ва амалиёти жаҳондаги етакчи иқтисодчи ва сиёсатшуносларнинг диққатини жалб этмоқда.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Наим Ғоибов кўплаб мамлакатларда Ислом Каримовнинг китобига қизиқиш ортиб бораётгани ҳақида гапирди.

Маросимда Покистонга ташриф буюрган мамлакатимиз парламент делегацияси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов сўзга чиқди

(ЎзА).

Эртага партиямиз ташкил топганига 4 йил тўлади

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА»

Шу мавзуда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида «Давра суҳбати» бўлиб ўтди

Яқиндагина бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари, хориждаги дўстларимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг тўрт йиллигини зўр тантана билан байрам қилган эдилар. Эртага эса, истиқлолимиз фарзанди, унинг меваси сифатида сиёсий майдонга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигига тўрт йил тўлади. Бу, маълум маънода, расмийлик тусига ҳам эгадир. Зеро, партиямиз аввалбошданоқ, ўз олдига Ватанимизни, мустақилликни мустаҳкамлаш негизларида, гуллаб-яшнаётган қудратли давлатга айлантириш, юртдошларимизга муносиб яшаш ва меҳнат қилиш учун зарур имкониятлар яратиб бериш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллашини таъминлашига самарали ҳисса қўшишни бош мақсад қилиб қўйган. Ўтган давр ниҳоятда қисқа бўлишига қарамай, ўзининг дастурий ғояларига содиқ, мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг йўл-йўриқлари ва маслаҳатларига оғишмай амал қилиб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилий жиҳатдан шаклланди, ғоявий-сиёсий чиниқишни бошдан кечирди, аниқ-равшан ишлари билан аҳоли ўртасида меҳр-муҳаббат қозонди, жамиятнинг нуфузли сиёсий кучларидан бирига айланди.

Республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги унда бозор иқтисодиётига ларзаларсиз, босқичма-босқич ўтилаётганлиги, фаровон турмуш, бахтли келажак, маънавий янгиланиш учун пишиқ-пухта замин яратилаётгани, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро майдондаги обрў-эътибори ортаётгани — она-Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган салмоқли, фахрланса арзийдиган ютуқлардир. Уларнинг ҳаммасида партиямиз ташкилотлари, кўпминг сонли аъзоларининг муносиб улушлари борлиги шубҳасиздир.

Юртимизда илк бор кўппартиялилик асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган демократик сайловлар — мамлакатимиз истиқболлари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Партиямиз ХДП аъзоларининг фаол ва ташкилий, оммавий-сиёсий, тарғибий-ташвиқий ишлардаги иштироки туфайли бу жиддий синовдан муваффақиятли ўтди, ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. Буни яқинда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган «Давра суҳбати» қатнашчилари яқдиллик билан таъкидлашди. Унда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Андижон, Жиззах, Сурхондарё вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг биринчи котиблари: А. Асанов, Р. Мухторов, Г. Субҳонова, Ҳ. Эрматов, Л. Ёқубов, партиямиз фаоллари — Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик И. Искандаров, Ўзбекистон Республикаси ФА Микробиология институти лаборатория мудири, академик М. Мавлоний, Тошкент алоқа электротехника институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор А. Абдунабиев иштирок этдилар. Суҳбатни бошқарган Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А. Жалолов йиғилганларни ва улар тимсолида партиямиз аъзоларини ХДП ташкил топганлигининг 4 йиллиги билан табриклаб, ташкилотларимиз олдида турган долзарб вазифаларни бажаришда уларга куч-қувват ва омад тилади.

Учрашувда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, рўй бераётган чуқур ўзгаришлар ҳозирги босқичида партиямизнинг ўрни, унинг фаолиятидаги устивор йўналишлар, ташкилотларимиз олдида турган долзарб вазифалар, қийинчилик ҳамда муаммолар ҳақида ўзаро фикр-мулоҳазалар юритилди, тўпланган тажрибаларни умумлаштиришга эътибор берилди.

(Ички саҳифаларга қаранг).

«Оқ олтин — 95»

ЭЪТИҚОДИ ИМОНИДЕК БУТУНЛАР

БУХОРОЛИК ПАХТАКОРЛАР МАМЛАКАТИМИЗГА 350 МИНГ ТОННА ДУРДОНА ЕТКАЗИБ БЕРИБ, ЙИЛЛИК РЕЖАНИ БАЖАРИШДИ

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ражаббой ОЧИЛОВ билан бўлган суҳбатимиз ҳам зафар мазмуни — эътиқоди имонидек бутун, уйида бир зум меҳмон, даласида эса мезбон бўлаётган қадоқ қўлли дала заҳматкашлари йил бўйи тўккан терлари ҳақида бўлди.

— **Маълумки, ҳар қандай ғалабага ўз-ўзидан эришилмайди. Эришилмаган ҳам. Ҳаммасининг замирида қаттиқ меҳнат, тинимсиз кураш ётади. Шундай эмасми?**

— Ҳақ гап. Айниқса пахтачиликда улкан зафарга эришиш Бухоро шароитида нина билан қудуқ қазишдек мушкул. Диққатингизни бир нарсага қаратмоқчиман. Бухоро замини мамлакатимиз бошқа минтақаларидан тубдан фарқ қилади, экин майдонларининг аксарияти шўрланган, тошлоқ ерлар ҳам бисёр. Бунинг устига Зарафшоннинг суви кўз ёшидек. Шу боис вилоятимизнинг барча далаларига етиб келмайди. Аму суви эса биздан жуда катта меҳнатни талаб этади.

Ғўза сувга қонсагина, ҳосил салмоқли ва сифатли бўлади. Икки-уч бора суғориш билан ҳам мўлжалдаги режа бажарилиб қолмайди. Демак, шароитимизда ҳосилнинг тарозида тортилишигача бўлган даврдаги машаққатни эндиди кўз олдингизга келтиринг. Бу билан эски гапни такрорлаяпти деган фикрдан узоқдаман. Олот, Қоракўл, Когон, Жондор туманларидаги ерларнинг шўр босгани, Қоровулбозорда сув тақчиллиги, борингки, техника-механизмларнинг эскиргани, янгисининг деҳқон чўнтагига мос келмаслиги, ҳаммаҳаммаси, беш бармоқдек аён бир пайтда пахтадан мўл ҳосил—106 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 33 центнердан ошириб хирмон уйишнинг ўзи деҳқонларимизнинг лафзи ҳалоллиги, қаҳрамонлиги эмасми?

— **Ҳа, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Август ойидаги иссиқнинг ҳосилга таъсири-чи?**

— Вилоят ҳокимлиги деҳқончилик саноати уюшмаси мутахассислари билан жойлардаги аҳволни ўнглаш учун туманларда деҳқонга мададкор бўлди, ҳосилни сақлаб қолиш учун мурожаат билан чиқди. Бу самарасиз қолмади. Ҳар бир агротехник тадбир деҳқончилик рисоласидек ўтишига эришдик. Деҳқондан тортиб, ҳокимгача ҳосил тақдири билан яшади.

Мана, ғалвир сувдан кўтарилганда ким қандай ишлагани аён бўлди. Ғиждувон туманидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалигида пахтадан энг юқори — 53,3 центнердан ҳосил олинди.

— **Бу йилги мавсум ҳам ўз қаҳрамонларига эга. Шулар ҳақида сўзлаб бersангиз.**

— Бухоро азалдан уста пахтакорлар юрти бўлиб келган. Файзулла Юнусов, Улфатбиби Бекназарова, Абдулла Кўйламов... Эҳ, уларнинг номларини санаб адоғига етиб бўлармиди? Бугун илғорларнинг издошлари кўп. Қоракўл туманидаги «Саёт» жамоа хўжалигининг Бахтиёр Қодиров, Бухоро туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Равшан Шаропов, Вобкент туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигининг Ҳаким Муқимов, Ромитан туманидаги «Қувват» жамоа хўжалигининг Мардон Ҳожиев, Шофиркон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Муҳаммад Жабборов, Ғиждувон туманидаги Абдулҳолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалигининг Сувон Латипов бошлиқ бригадаларида ҳар гектар ердан 47-61 центнердан ҳосил олинди. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, тер тўкканга ер тўкаркан. Ҳаммаси аҳиллик, тадбиркорликка боғлиқ.

Ҳосилни қисқа фурсатларда йиғиб-териб олишимизда теримга ҳақ тўлашнинг оширилиши, теримчиларга тарози бошида терилган пахта учун нақд пул берилиши муҳим омил бўлди. Шу боис бугунги кунда 10 тонна ва ҳатто ундан ошириб пахта терган дала юлдузлари кўпчиликни ташкил этади. Ғалаосиёлик Фазилат Эрнафасова, вобкентлик Роҳила Ўринова, ромитанлик Шоҳиста Сафарова, шофирконлик Нигора Шокирова шулар жумласидандир.

— **Пахта катта бойлигимизгина эмас, балки турмуш фаровонлиги ҳамдир. Ундан келадиган даромад деҳқон кам-кўстини тўғрилашгагина эмас, юрт ободлигига ҳам хизмат қилиши аниқ.**

— Ҳа, шундай. Бу қимматбаҳо хом ашё ҳисобига қишлоқларга газ, ичимлик сув олиб келяпмиз. Деҳқоннинг насибаси бутун бўляпти, турмуш яхшиланяпти. Иқтисодий ислоҳотлар дадил одимламоқда. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жадал давом этяпти. Дон мустақиллигига эришишнинг имкониятлари изланяпти. Хуллас, халқимизнинг турмуш ташвишлари кун сайин енгиллашиб, уларнинг истиқболга ишончлари янада мустаҳкамланмоқда. Эътиқоди имонидай бутун халқимиз Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида бундан кейин ҳам баракали меҳнат қилаверади.

Шофиркон туманидаги «Ҳайдаробод» жамоа хўжалиги пахтакорлари 1-бригада теримчиси Дилсора Солиевани мавсум ғолиби деб тан олишди. Чунки бу чевар қиз сўзининг устидан чиқди: хўжалик хирмонига 9 тонна пахта териб тўкди.

СУРАТДА: илғор теримчи Дилсора Солиева.

Карим КАРИМОВ олган сурат.

Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СЎНГГИ МИСҚОЛИГАЧА

Юртимиз ифтихори, иқтисодиётимиз тиргаги — пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш якунловчи паллага кирди. Азамат пахтакорларимиз, шербилак механизаторларимиз, ҳиммати баланд ҳашарчиларимиз бутун диққат-эътиборни 4 миллион тонналик маррани забт этишга қаратганлар.

Шуниси қувончлики, партиямиз ташкилотлари ва аъзолари мавсум бошиданоқ, пахтакорларимизнинг машаққатли меҳнати ила яратилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга умумхалқ ҳашарини уюштиришда фаол иштирок этмоқдалар. Улар далада тер тўкаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Энг муҳими, ҳаммавақт бўлганидек, фаолларимиз йиғим-теримда бевосита қатнашиб, илғорлар беллашувининг биринчи сафларида боришяпти.

Ҳозир ҳар дам ғанимат. Буни яхши тушунган партия ходимлари ва фаоллари ушбу ғанимат кунларни пахтазорларда ўтказишяпти. Жумладан, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари аппаратларининг ходимлари бу сафар Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорацияси далаларига отланишди. Улар пахтакорлар билан ёнма-ён ишлаб, хўжалик хирмони янада юксалишига муносиб улуш қўшдилар. Ҳашарчилардан С. Собиров, Л. Кочерга, В. Абдусаматов, З. Исматуллаевалар теримда ибрат кўрсатишди.

Умумхалқ ҳашари давом этмоқда. Партиямиз аъзолари «оқ олтин»имизни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олишда фаол қатнашишга қатъий қарор қилганлар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Партиямиз ташкил

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

Мамлакатимиз эркин, бой ва равнақ топаётган мамлакат бўлсин десак, фарзандларимиз бахтиёр ва тўкин-сочин яшасин десак, ислоҳотлар иккинчи босқичидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сарфламоғимиз даркор.

И. КАРИМОВ.

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби

Бугунги суҳбатимиз мавзусининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида», деб аталиши бежиз эмас. Зеро, мустақил диёримиз ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. 70 йилдан зиёд давр давомида шаклланиб, мустаҳкамланган ижтимоий-сиёсий тузум ўз ўрнини янги — адолатли, демократик жамиятга бўшатиб бериши ҳаётий заруратга айланди. Бу — маълум муддат ва машаққатли меҳнатни талаб қиладиган мураккаб жараён. Унинг ўз хусусият ва босқичлари бўлиши ҳам табиийдир.

Ортда қолган йиллар давомида Ўзбекистон ўтиш даврининг дастлабки довонини асосан ўтиб бўлди. Унда мамлакатимиз ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлади. Шўролар давридан қолган сиёсий тизим ўрнида янги давлатчилигимиз шакллана бошлади. Истиқлолнинг сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори вужудга келтирилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи галдаги вазифалари асосан бажарилди. Ижтимоий тикланиш, миллий уйғониш, маънавий янгиланиш бошланди. Мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгалламоқда. Эндиликда, республикамиз Президенти И. А. Каримов айтганидек, ривожланишимизнинг янги, янада юқорироқ поғонаси — иккинчи босқичи бошланди.

Миллий мустақиллик шарофати ила майдонга чиққан Ўзбекистон ХДП 4 йил давомида жамиятда ғоявий масалаларда тушунмовчиликлар борлиги, ташкилотларимизда парламентчилик тажрибаси йўқлиги ҳамда молиявий масалаларда маълум қийинчиликларга дуч келинганлиги шароитидаги жуда мураккаб йўлни босиб ўтди.

Партиямиз шаънига бўҳтондан иборат, сийқаси чиққан гаплар айтилди. Аммо, биз мустақил Ватанимиз, жабрдийда халқимиз туб манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилишни бундайин бўҳтонларга жавоб беришнинг энг мақбул йўли, деб билдик. Ўйласак, тўғри қилган эканмиз. Бундан ҳеч ҳам афсус қилаётган жойимиз йўқ. «Ҳадиси Шариф»да шундай сўзлар битилган: «Агар сени бирор киши сўкиб, сенда йўқ айб билан сени айбласа, сен уни унда бор айб билан ҳам айблама, уни кўя бер, шунда гуноҳи унга, савоби сенга бўлади».

Мустақил диёримизда бугун тинчлик, осойишталик, барқарорлик ҳукм сурмоқда экан, бунда кўп минг кишилик ЎзХДП аъзоларининг ҳам ўзига муносиб ҳиссаси борлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Агар, Ўзбекистонни, ёш давлатимизни навқирон бир йигитга қиёслайдиган бўлсак, шубҳасиз, унинг белига қувват бериб турган белбоқларидан бири — айни бизнинг партиямиздир.

Демократик тамойиллар эндигина илдиз отаётган, кўппартиялилик тизими кўз ўнгимизда шаклланаётган, ҳали ҳеч ким кўкрагига уриб, мен ҳамма ишни қойилмақом қилиб қўйдим, дейишга ҳаққи йўқ бир шароитда жамиятимизнинг кўплаб обрў-эътиборли, фаол, илғор кишиларини ўзида мужассамлаштирган ЎзХДПга нисбатан ғаламис ғаллами айтилганда, хаёлимга негадир, Абу Али ибн Синонинг қуйидаги сатрлари келади:

Менинг куфрим айбларга дилимдан ўзга султон йўқ.
Бу оламда менинг поқиза имонимдек имон йўқ.
Замон аҳли аро танҳо мусулмон мен эдим, э вох!
Агар кофир эсам мен ҳам бу дунёда мусулмон йўқ.

Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила, дейди халқимиз. Зеро, яхшилик қилиш, ширинсуханлик, олижаноблик, бағрикенглик, эзгуликка хизмат қилиш — чинакам инсоний фазилатдир. Кўрдинг-ки, бошқалар ўз ишини сендай уддалай олмаётир, сен ўзингнинг улардан зўрлигингни, оғзингни кўпиклантириб, уларни ёмонлагандан кўра, худди ана шу ишни боплаб уддалаш билан исботла! Нима қиласан кучингни беҳудага сарфлаб, дегинг келади бундайларга.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тузилмалари Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятлари, шаҳару туманларида фаолият кўрсатмоқда. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида тузилган бошланғич ташкилотларимиз 400 мингдан зиёд кишини бирлаштирмоқда. Уларнинг орасида зиёлилар, моддий ишлаб чиқариш жабҳаси вакиллари, тадбиркорлар, фахрийлар, ёшлар, яъни аҳоли кўпчилик қатламларига, ўлкамиздаги 80 та миллатга мансуб фуқаролар бор. Ҳа, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг партиямиз аъзолари меҳнат қилмаётган соҳалари деярли йўқ.

Ўзбекистон ХДПнинг республикадаги кўпчилик жамоат ташкилотлари билан доимий ҳамкорлиги биз учун ўта муҳимдир. Хусусан, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари, Ногиронлар ташкилоти, «Экосан» жамғармаси, Республика миллий-маданий марказлари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари билан алоқаларимиз самаралидир. 1994 йил 25 декабрда ўтказилган сайловлар Ўзбекистон ХДПнинг жамиятимиздаги юксак мавқеини намойиш этди. Биз Олий Мажлисда 69 та ёки ундаги барча ўринларнинг 28 фоизига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман-шаҳар Кенгашларидаги ўринларнинг 48 фоизини эгаллашга муяссар бўлдик. Парламентимиздаги энг йирик партиявий фракция — Ўзбекистон ХДП фракцияси эканлиги ҳам партиямизнинг нуфузи мустаҳкамлигини кўрсатувчи далилдир.

Мамлакатимизда ислоҳотлар биринчи босқичининг муваффақиятли ўтиши ва кўппартиялилик тизимининг шаклланиши натижасида партиямизнинг фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари жиддий ўзгарди. Шу муносабат билан унинг олдида янги вазифалар турмоқдаки, бу биздан бутун куч ва имкониятларимизни уларни ҳал этишга қаратишни талаб этмоқда.

Ушбу вазифаларнинг асосийлари:

Биринчидан. Парламентчилик фаолиятини пухта эгаллаш орқали дастурий ғояларимиз, сайловолди Сиёсий ҳужжатимизда баён этилган вазифаларни амалда бажарилишига эришиш.

Иккинчидан. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлини кенг тарғиб этиш, уни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва амалиётга айлантиришда бевосита иштирок қилиш, партиямизнинг жамиятдаги туб ўзгаришлар жараёнига қўшаётган ҳиссасини ошириш.

Учинчидан. Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси ғояларини тарғиб ва тадбиқ қилиш, жамиятимиз маънавий янгиланишига кўрсатаётган кўмагимизни кучайтириш.

Тўртинчидан. Партиямизнинг аҳоли барча қатламлари, давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, унинг хорижий алоқаларини кенгайтириш.

Бешинчидан. Ўзбекистон ХДПнинг тузилмалари, фаолияти, сифатий таркибини такомиллаштириш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Кўряпсизки, партиямиз, унинг барча ташкилотлари ва муассасалари олдига қаётнинг ўзи тамомила янги, масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Демак, сиз билан биздан ана шу вазифаларни адо этишнинг энг мақбул йўл ва воситаларини биргаликда қидириш, синаш ва ҳаётга тадбиқ этиш талаб қилинади. Фақат ана шундагина партиямиз замона унинг зиммасига юклаган масъулиятли бурчни бажарган бўлади.

ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

Атаулла АСАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши биринчи котиби

Партиямиз фаоллари — Ўзбекистон ХДП республика, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг дастурий мақсадларимизни амалга оширишда, оммаларнинг куч ва ғайратини демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуриш ишига йўналтиришдаги саъй-ҳаракатларида уларнинг ишончли таянчларидир.

Республика ташкилотимизда минглаб партия фаоллари ўз иш жойларида виждонан, ҳалол меҳнат қилиш билан бирга, омма орасида кенг кўламда сиёсий ва ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Тажриба, партия кенгаши фаоллар билан қанча кўп ишласа, унинг ХДП аъзолари ва партиясизлар билан алоқаси шунча мустаҳкамланишини, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида таъсири кучайишини кўрсатмоқда.

Партия ишига ХДП кенгашлари ва тафтиш комиссиялари аъзоларини жалб этиш биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Ҳозир уларнинг сони 1500 нафарга етди. Улар пленумларда, комиссия йиғилишларида қатнашибгина қолмай, айни пайтда, қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этишда бевосита қатнашмоқдалар. Айрим кенгашлар, масалан, Нукус шаҳар, Тахтакўпир, Тўрткўл туманлари кенгашлари ўз аъзолари фаолиятини аниқ ўзанга солиш учун синовдан ўтган усулдан фойдаланмоқдалар. Яъни, партиявий-сиёсий, ташкилий ва мафкуравий ишларнинг муҳим йўналишлари бўйича комиссияларини тузишяпти. Бундай тузилмалар йўқ жойларда эса, сайланма органлар аъзолари фаолиятини ижроия бюро мувофиқлаштиради.

Бизнингча, турли қийинчилик ва етишмовчиликлар шароитида тажриба орттирган кишиларни жамоатчилик асосида партия ишига жалб этиш унинг самарадорлигини анча оширади. Бугунги кунда партиямиз ишига садоқатли ана шундай шахслар Қўнғирот, Мўйноқ, Тахтакўпир, Тахиатош, Қанликўл, Амударё туман кенгашлари котиби бўлиб ишлаяптилар. Ҳозир баъзи туман кенгашларимиз штатсиз бўлимлар, жамоатчилик кенгашлари ва шўъбаларини ташкил этишга тараддуд кўрмоқдалар.

Кўп йиллик тажриба партия аъзоларини ташкилий, тарғибий-ташвиқий ишларга кенгроқ тортишда ХДП фаолларининг йиғилиши энг самарали воситалардан бири эканлигидан далолат бермоқда. Бу — кенгашга у ёки бу масала бўйича ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқишга фаоллар кенг доираси — кенгаш аъзолари, партия ташкилотлари котиблари, ХДПдан сайланган депутатлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хўжалик раҳбарлари, олимларни жалб этиш имконини беради. Очиқ айтиш керак, ҳозирча ишнинг бу шаклидан суст фойдаланмоқдамиз.

Бошланғич ташкилотларнинг фаолларига аниқ-равшан, малакали ёрдам бериш — ХДП кенгашларининг асосий вазифаларидан бири. Шу мақсадда семинарлар, машваратлар, тажриба алмашув, мунозаралар ўтказиляпти. Шаҳар, туман кенгашлари фаолиятида эса, ҳар ойда бир марта «Котиблар куни» ўтказиш одат тусини олган. Семинарларда юқори партия органлари котибларининг иштирок этиши яхши самара беряпти.

Бошланғич ташкилот котиблари учун уларнинг кенгаш ижроия бюроси ва пленумларда ҳисоботини тинглаш ишини яхши мактаб, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, котибларда амалий фазилатлар ва ташкилотчилик кўникмаларини тарбиялаш учун уларнинг ҳисоботи бўйича қарорларни назоратдан тушириш амалиётига қайтиш мақсадга мувофиқдир.

ТАРИХ САБОҒИ

Абдулла АБДУНАБИЕВ,
Тошкент алоқа электротехника институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор

ХДП — мустақилликка интилиш маҳсули, унинг фарзанди. Шу 4 йил ичида партиямиз анча ишлар қилди, уни халқ таниди. ХДП ўз Дастури ва Низоми асосида Президент сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаб, уни омма орасида тарғиб этмоқда.

Шу даврда ўтмишимизни, ўз тарихимизни ўргандик, маънавий қадриятларимизни тикладик, буюк алломаларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини кўз олдимизга келтирдик, она тилимиз қаддини рослаш. Буларнинг барчаси бизда миллий ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотди. Юртимизда тинчлик, барқарорлик мавжуд. Бу жараёнда ХДПнинг ўрни катта бўляпти.

Лекин, айрим режалар, мулжаллар суст амалга ошмоқда, чоғи. Кўп ҳолда кишилар меҳнатининг самарадорлиги, ишлаб чиқаришга муносабат замон талабида эмасдек туйилади. Бир қисм ёшлар орасида астойдил меҳнатга, чуқур илм олишга чанқоқлик сезилмайди. Баъзида сувдан ҳолва ясаб, тирикчилик қилиш қайфияти ҳам учраб туради. Ваҳолонки, тижорат ҳам ўзининг маърифий шаклида илмни талаб қилади. Тарих далолат берадики, мустақилликка эришишдан уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш мураккаброқдир. Бунинг учун аҳил, ҳамжиҳат ва фидойи бўлиб, ишни кўзини билиб, меҳнат қилиш зарур экан.

Мамлакатимиз Президенти фан-техника тараққиётига, илғор мамлакатлар тажрибасини ижодий ўрганишга ва уларни ўзимизда кенг тадбиқ этишга тинмай даъват этиб келмоқда. Аммо, бу борадаги ишларимиз кўлами кўнгилдагидек эмас. Талабалар орасида иқтидорлилари бор, улар яхши натижаларга эришадилар. Бироқ, бир хил ёшларда илм-фанга, техникага, тил ўрганишга интилиш анча бўш. Уларда қунт, қизиқиш камайиб бораётгандек туйилади.

Қадим замонларда зиёлилар 3-4 тилни ихтиёрий равишда ўрганганлар. Чунончи, Беруний араб, юнон, форс, ҳинд (санскрит) ва бошқа тилларни яхши билган.

Биз яқин ўтмишда асосан рус тилини ўрганар эдик. Бошқа хорижий тиллар гўё зарур эмасдек туюлар эди. Эндиликда бунга чек қўйилди. Албатта, хорижий тилларни, хусусан инглиз, араб, француз, олмон, хитой тилларини ўрганишга интилиш яхши. Лекин, рус тилидан юз ўгириш ҳоллари ҳам бор. Бу ўринда мен Чингиз Айтматовнинг яқинда Тошкентда айтган мулоҳазаларини эслатмоқчиман. Яъни, аввало, ўз она тилимизни, кейин эса чет тиллар, жумладан, рус тилини ўрганишимиз лозим.

ХДП Дастурида Ўзбекистон фуқаролари ўртасида тотувликни, миллатлараро иноқликни тўла таъминлаш мақсадлари олдинга сурилган. Бу ғоялар Конституциямизда ҳам ўз аксини топган. Юртимиз тарихи, жаҳон тажрибаси сабоқ берадики, умуминсоний қадриятлар миллий туйғулар билан уйғунлашгандагина жамият тараққиётга юз тутади.

Яна бир масала. Юртимиз аҳолисининг бир қисмида боқимандалик кайфияти мавжуд. Машҳур рус файласуфи Н. Бердяев, давлат тузишдан мақсад — одамларга жаннат яратиб бериш эмас, балки мамлакатда дўзах бўлишига йўл қўймасликдир, деган эди. Яъни, давлатнинг, ҳокимиятнинг асосий вазифаси инсон ҳаётининг фаровон бўлиши учун имкон борича, қулай шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир. Кишилар эса бахтини ўз меҳнати, тадбиркорлиги, фаҳму фаросати, ғайрати, пешона терлари билан яратадилар. Бунга кўмаклашиш — партиямиз ташкилотлари олдида турган бош вазифадир.

ТАЖРИБА ДАВОМ ЭТАДИ

Латиф ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби

Мени шу кунларда қуйидаги иккита савол тез-тез ўйлантирмоқда. Яъни, Тошкент шаҳар партия ташкилоти Олий Мажлисга ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайловларда партиямиз вакилларига кўрсатилган ишончни оқлаши учун нима қилиши керак? Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида партиямизнинг ҳар бир аъзоси ўз фуқаролик бурчини тўлароқ намойиш этишига кўмаклашиш учун ишларни қандай олиб бориши лозим?

Бир-бирига чирмашиб кетган бу масалалар — партиянинг жамият ва ўз ташкилотларидаги фаолиятида ҳам ўзаро шунчалик мустаҳкам боғланиб кетиши зарур. Агар биз пойтахтдаги ижтимоий соҳада нималар муҳимлигини аниқлайдиган бўлсак, шубҳасиз, муаммолар орасида Тошкент аҳолиси ўртасидаги фуқаролик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ёшларни фуқаролик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашни биринчи ўринга қўйиш мумкин.

Бу муаммоларни ҳал этиш йўл ва воситаларини партиянинг дастурий ҳужжатларидан топамиз.

Биринчидан, эндиликда, сайлов округлари бўйича партия ташкилотлари ва уларни бирлаштирувчи кенгашларни тузиш, уларнинг котибларини сайлаш масалалари билан жиддий шуғулланиш лозим. Бизда Олий Мажлисга сайловлар бўйича бундай округлар 30 та, шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича эса — 60 та. Демак, 11 та туман партия ташкилоти доирасида 60 та округ партия ташкилоти бўлиши керак. Ўзбекистон ХДП округ ташкилотларига, назаримизда, меҳнат жамоаларининг партия ташкилотлари каби маҳаллалар негизидаги ҳудудий ташкилотларимиз ҳам кириши мумкин. Олий Мажлис ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг тегишли депутатлари бу ерда ҳисобда туришлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир округ партия ташкилоти ҳузурида депутатлар қабулхонасини ташкил этиш, сайловчилар билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш, уларнинг фикрларини, муаммоларини ўрганиш, таҳлиллар натижаларини ҳокимларга, ҳокимиятнинг ваколатли органларига етказиш, қонун лойиҳаларида ва амалий ишларда ифодалаш лозим. Собир Раҳимов туманида шундай тажриба ўтказилмоқда.

Шундай қилинганда, Ўзбекистон ХДП фаоллари депутатларга аҳоли билан кенг ва жонли алоқа ўрнатишларида яқин ёрдамчилар бўлиб қоладилар. Шунда партиямизнинг парламентчилик фаолияти имкониятларини тўлароқ очишга муваффақ бўламиз.

Иккинчидан, Тошкент аҳолисининг 70 фоизга яқинини 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар ташкил этади. Кўплаб ёшлар партиямизнинг ғояларини қўллаб-қувватламоқдалар. Шу билан бирга, биз партиянинг ёш аъзоларини эмас, балки барча ёшларнинг сиёсий савиясини ошириш зарурати муаммоларига дуч келмоқдамиз.

Ҳар бир партия аъзоси республика Президенти И.А.Каримов асарларида баён этилган қоида ва хулосаларни, Олий Мажлис ҳужжатларини пухта эгаллаган бўлиши, бозор иқтисодиёти асосларини, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши тушуниши керак. Бундай вазифани ҳозир Ҳамза, Юнусобод туман кенгашлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган сиёсий клубга ўхшаш уюшмалар бажариши мумкин.

Агар, Марказий Кенгаш, партия аъзоси бўлган олимлар, Мафкуравий ишлар бўлими ходимлари куч-ғайрати билан, Ўзбекистон ХДП аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш ва уларнинг воқеалардан хабардорлигини кенгайтиришга қаратилган дастур, қўлланмалар тайёрлаб, уларни партиямиз матбуотида эълон қилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Маълумки, ёшлар орасида ўз ишларимизни қандай ташкил этишимиз керак, деган мавзудаги мунозара бизда кўпдан бери давом этиб келаяпти. Партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойида ташкилотимизнинг ёшлар «қанот»ини вужудга келтириш тўғрисида фикр билдирилди. Ўзбекистон ХДП Низомида ташкилотларимизда ёшлар шўъбаларини тузиш кўзда тутилган. Булар амалга ошса, партияга қабул қилинадиганларнинг , масъул лавозимларга тавсия этиладиган кадрларнинг заҳираси шаклланади. Иккинчи томондан, партиямизнинг парламентдаги фракцияси «Ўзбекистон ёшлари XXI аср бошида» Миллий дастурини тайёрлашда ташаббус кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Машҳура МАВЛОНИЙ,
Ўзбекистон Республикаси ФА Микробиология институти лаборатория мудири, академик

Бугунги йигит ва қизлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини ҳаётга тадбиқ этишдаги асосий кучдир. Яна 10-15 йилдан сўнг мамлакатимизни маърифатли йўллар билан ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш улар зиммасига тушади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшлар сиёсатини ўтказишда кўп иш қилаяпти, бироқ менимча, у етарли эмас. Шу боис, партиямиз ташкилотлари «Ўрта мактабларни битираётган ёшларни ишга жойлаштиришда, ихтисосликка, касб-ҳунарга ўргатишда, уларнинг етук мутахассислар бўлиб етишишларига имконият яратишга ёрдам бериш — ХДП ҳар бир аъзосининг бурчи» шиори остида иш олиб боришлари лозим, деб ҳисоблайман. Афсуски, кўпгина жойларда ёшларда энг яхши хислатларни шакллантириш устида бош қотирилмаяпти.

Ёшлар билан ишлашда мураббийчилик ҳаракатини тиклаш яхши самара беради, деб ўйлайман. ХДП бошланғич ташкилотлари ҳар бир меҳнат жамоасида «Ёшлар мураббийси» фахрий унвонини таъсис этиш, мураббийларнинг вазифаларини белгилаб бериш ва уни рўёбга чиқаришда кўмаклашиши зарур. Бу давлатимизда юз бераётган улкан тарихий жараёнларда ёшларнинг фаол иштирокига собитқадамлик бахш этиши, шубҳасиздир. Зеро, мураббий йигит ва қизларга касб-ҳунар сирларини ҳар томонлама ўргатибгина қолмай, айни пайтда, уларда энг яхши инсоний фазилатларни — меҳнатсеварлик, юксак онглилик, фуқаролик, интизомлилик, меҳнат кишиларига, Ватанга ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялайди.

ХДП ташкилотларидан ходимларнинг билими ва малакаси, ташкилотчилик қобилияти, салоҳияти ва эътиқодига қараб танлаш ва масъул ишларга қўйишда ташаббускорлик кўрсатиш талаб этилади.

Партиямиз аъзоси бўлган ёш мутахассисларни давлат ва хўжалик бошқарувининг турли бўғинларидаги раҳбарлик лавозимларига тавсия қилиш ишини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёшларга оид ўз сиёсатини ўтказишда Ёшлар Иттифоқи, республика Касаба уюшмалари федерацияси ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтиради, деб умид қиламан.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Кўнгил мулки

БОЛАНГИЗ ШАФҚАТСИЗ ЭМАСМИ?

Шу йил ёзда Ҳужаобод яқинидаги қишлоқларнинг бирида даҳшатли воқеа рўй берди...

Сингил қўлида чақалоғи, 13 ва 14 ёшли икки ўғли билан опасиникига меҳмонга боради. Кўпдан бўён ҳасратлашолмаган, унинг устига яқиндагина волидаи муҳтарамаларидан жудо бўлган куюк кўнгиллар суҳбатга берилиб кетадилар.

Ҳовлида ўйнаб зериккан меҳмон болалар холанинг 15 ёшли яккаю ёлгизи билан «Шаҳрихон» сойига чўмилгани кетишади.

Фалокатни қарангки, болалар чўмилиб бўлиб, кийимларини сиқиб кияётганларида уканинг оёғи остидаги каттакон тош сирғалиб важоҳат билан оқаётган сойга думалаб кетади. Тошнинг ўзи қулаган бўлса майлийди, ўзини ушлолмаган болакай ҳам тўйқусдан сойга тушиб кетади!

14 ёшли ака ва холавачча даҳшатда қолди. Лекин уларнинг икковидан бири ҳам додламади, одамларни ёрдамга чорламади. Опанинг яккаю ёлгизи: «Юр, тезроқ кетайлик бу ердан» Биров кўриб қолса, бизни мелисага топшириб юборади. Кейин қамалиб кетамиз!» дея қўрқувдан дағ-дағ титраётган акани уйга судради.

Кечгача гурунглашиб ҳумордан чиққан опа-сингил ош сузаётганида холаваччалар ҳеч нарса кўрмагандек дарвозадан кириб келишди.

— Вой ўлмасам, уканг қани? Бирга ўйнамадингларми? — сингил хавотирланиб тўнғичидан сўради.

— Ҳозир келади. Йўлда ўйнаб қолди...

Ош устида эгачи-сингил тез-тез кўча томонга қараб қўйишди. Номозшом яқинлашган. Боладан эса дарак йўқ!

— Ҳай, уканг қаерда деяпман! Гапирсанг-чи! — тоқати тоқ бўлган она безовталанди.

— Мен қаердан билай, буви! Боя уйга кетгим келяпти деганди, балки кетиб қолгандир... — бола онасининг юзига қаролмай жавоб берди.

Она ҳовуридан тушди. Шошапиша ўғлини эргаштириб, чақалоғини кўтариб уйига жўнади. Ўртанча ўғил уйига ҳам келмаган. Ота ҳаллослаб қариндош-уруғларникига суриштиргани кетди. Ҳеч қаерда йўқ. Эрталабгача қидиришди. Ердан ҳам, кўкдан ҳам тополмадилар...

Вазият кескинлашаётганини кўрган 14 ёшли ака ниҳоят тонгга яқин «ёрилди». Бўлган воқеани титраб-қақшаб гапириб берди. Лекин кечикди...

Қидирув гуруҳлари «Шаҳрихон» сойини қанча қаричлаб ахтармасинлар, укасининг изини ҳам топишолмади. «Кампиробод» сув омборини тамбалаб қўйиб излашди. Бир неча кун қидирув ишлари давом этди. Боладан ном-нишон йўқ. Охири дамбани очиб юборишга мажбур бўлдилар. Қисматни қарангки, зарб билан отилган сувнинг шиддати қаердадир қадалиб ётган жасадни қирғоққа улоқтирди...

Энди етти кеча-ю, етти кундуз сув остида қолган марҳум боласини қучоқлаб додлаётган онанинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг! Бўй кўрсатиб қолган 13 ёшли суюкли ўғлини соппа-соғ меҳмонга юборган ота шу дамда хотинидан аламини қандай қилиб олсин! Шундоқ ҳам ўз ўтида ўзи ёнаётган Она укасининг оқиб кетаётганини кўриб ҳам индамай изига қайтган

топганлигининг 4 йиллигига бағишланади

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА»

ВАТАН, МИЛЛАТ, ИСТИҚЛОЛ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Менимча ҳам, шу кеча-ю кундузда, айрим ёшлар билим олишга, илм чўққиларини эгаллашга бефарқ қарашяпти, улар ўзларини тижоратга уришяпти. Бу мени ҳам ташвишга солади. Тўғри, ҳеч ким тижоратни ривожлантиришга қарши эмас. Аммо, бизга маданий, маърифатли тижорат керак. Ҳурматли Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, бозор муносабатларига ўтиш — ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Маънавий руҳи бўш одамлар ундан муваффақиятли ўтишлари жуда қийин.

Бир нарсани унутмайлик: ҳақиқий бозор муносабатлари юксак маънавият, ахлоқий покдомонлик ва ватанпарварлик негизида барпо этилиши мумкин. Шу боис, мен, эл орасида юрган бир адиб сифатида, ёшлар онгига Ватан, миллат, истиқлол ғояларини чуқур сингдириш, бунинг учун тасарруфимиздаги бор имкониятлардан фойдаланишимиз кераклигини таъкидламоқчиман. Токи, ҳар бир ўзбекистонлик, жумладан, йигит-қизлар бой тарихга, теран маданиятга, юксак маънавиятга эга бўлган ўз Ватани, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган ўз миллати, неча ўн йиллар давомида орзу қилиб, ниҳоят қўлга киритган истиқлоли билан чексиз ғурурлансин, бутун куч-ғайратини, онгли ҳаётини, керак бўлса жонини уни мустаҳкамлашга бахшида этсин.

Мен хорижда кўп бор бўлганман. Ажнабийларнинг ўз давлат рамзларига чуқур ҳурматининг гувоҳиман, бу ҳурмат улар учун иймон-эътиқодлигига ҳавас қилганман. Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам мустақиллигимизнинг муқаддас рамзлари — Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар маънавиятимизнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир. Буларнинг аҳамиятини болалар боғчаларидан бошлаб кенг кўламда тушунтириш она - Ватанимиз — Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялаши, шубҳасиздир.

Мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳукмрон. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бу — кишиларимизда ватанпарварлик туйғуси ўсиб бораётганлигида, деб биламан. Ватанпарварлик миллатни бирлаштиради, маҳаллийчилик ва уруғчилик каби ярамас иллатнинг пайини қирқади, ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишда мадад беради, Ўзбекистонимиз келажагининг буюклигига ишончни мустаҳкамлайди. Шу боис, ўзимга яқин соҳадан бир мисол келтирмоқчиман. Қоғоз нархи кўтарилаётгани, босмахона харажатлари кескин ошаётганлиги туфайли китоб, газета-журнал чиқаришнинг ўзи бўлмаяпти. Кўпчилик, энди шоир ва ёзувчилар ёзмай қўйишади, деб ўйлаган эди. Йўқ, Оллоҳга минг қатла шукурлар бўлсинки, улар ижод қилишяпти, ёзганда ҳам бақувват, баркамол, теран асарлар яратишяпти. Ҳаммадан мана шуниси муҳимдир.

МУҲИМ ОМИЛ

Гуландом СУБҲОНОВА,
Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби

Аҳоли истиқомат жойларида партиямиз бошланғич ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини давр талаблари асосида мувофиқлаштириб бориш — долзарб вазифалардан бири. Шунга мувофиқ, шаҳар ва шаҳарчалар, туманлар марказларидаги маҳаллаларда партиявий тузилмаларни шакллантириш борасида доимий иш олиб бораяпмиз. Ҳозирги пайтда вилоятдаги 645 бошланғич партия ташкилотининг 213 таси бевосита аҳоли истиқомат жойларида фаолият юритиб, ўз сафларида 11340 нафар ХДП аъзосини бирлаштирмоқда. Ўтган даврда партиянинг ҳудудий тузилмалари миқдори икки ярим баробар ошди.

Биз ҳудудий бошланғич партия ташкилотларимиз котиблигига жамоатчилик фаолиятида муайян тажрибага эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор, ҳурматга сазовор бўлган ташаббускор фаолларимизнинг сайланишига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу, ўз навбатида, ижобий самара бермоқда. Жумладан, Фориш тумани «Деристон» қишлоғи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котибининг ташаббуси ва бевосита бошчилигида қишлоқда ҳашар усулида мактаб биноси ва автобус қатнови учун йўл қурилди. «Деристон», «Михин» қишлоқлари, Банд қўрғони, Учқулоч кони ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари аҳолини ҳаётий зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаб боришни назорат қилишни зиммасига олган. Жиззах шаҳри маҳаллаларидаги бошланғич партия ташкилотларимиз ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, «Сайхан», Х. Абдужабборов номли, «Тошлоқ», Навоий номли бошланғич партия ташкилотлари аҳоли ўртасида турли мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказиб туришмоқда. «Тошлоқ» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан шаҳар ҳокимлиги, партиямиз шаҳар кенгаши, халқ таълими бўлими билан биргаликда Охунбобоев номли ўрта мактабда «Оила, маҳалла, мактаб — ҳаммасига бир талаб» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда «Ёш авлодни тарбиялаш — барчамизнинг муқаддас бурчимиздир!» шиори остида шаҳардаги муаллим-мураббийлар, маҳалла фаоллари, фахрийлар, талабалар, жамоат ташкилотлари раҳбарларига, барча аҳолига қарата мурожаат қабул қилинди. 1994 йилда маҳалла фуқаролари йиғинлари ва ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорлигида «Ватан — оиладан бошланади» мавзусида намунали оилалар кўрик-танлови ўтказилди.

«Сайхан» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан маҳаллада тикувчилик, гилам тўқиш цехлари ташкил этилиб, 47 нафар ёш меҳнатга жалб этилди.

Ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан ўтган йили Х. Абдужабборов, Навоий номли, «Маданият», «Сангзор» маҳаллаларидаги кам таъминланган оилаларга, ногиронларга 260 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Зарбдор туманидаги «Ударник» жамоа хўжалиги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти меҳнаткашларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу каби мисолларни бошқа туманлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, аҳоли истиқомат жойларидаги бошланғич партия ташкилотларимиз олиб бораётган оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот ишлари партиямиз нуфузини ошириш, мавқеини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда, унинг хайрихоҳлари сони тобора ортиб боришига кўмаклашмоқда.

Истагим шуки, бундай ташкилотлар фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг котибларига амалий ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатиб бориш мақсадида Марказий Кенгаш услубий қўлланмалар, тавсиялар ишлаб чиқса, партия нашрларида ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти, илғор тажрибалари мунтазам ёритиб борилса, айни муддао бўларди.

МАЪРИФАТ МАРКАЗЛАРИ – ҲАРАКАТДА

Расулжон МУХТОРОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши биринчи котиби

Ўзбекистон ХДП маҳаллий ташкилотларининг фаолияти ошган сари партиямиз аъзолари билими ва дунёқарашини кенгайтириш, илмий-сиёсий савияларини ўстириш, аҳоли ўртасида мафкуравий ишларни ташкил этиш учун махсус масканларга эҳтиёж сезилиб қолди. Партиямиз кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ва фаолларимиз билан қилинган маслаҳатлар натижасида жойларда таянч нуқталарини ташкил этиш зарур, деган хулосага келдик. 1992 йилнинг охиридан, айрим жойларда, маърифат марказларини ташкил қилишга киришилди. ХДП вилоят кенгашининг ижроия бюроси 1993 йил 21 февраль йиғилишида шу борадаги тажриба маъқулланиб, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган маърифат марказлари кўрик-танловини ўтказишга қарор қилинди ҳамда марказларнинг намунавий низоми тасдиқланди.

Шу кунларда вилоятда 200 га яқин шундай маърифат хоналари ишлаб турибди. Улар тузилмаган жойларда ахборот бурчаклари ташкил этилган. Хонобод шаҳар партия кенгаши, Бўз туманидаги Навоий номли, Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон», Жалолқудуқ туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжаликлари, Пахтаобод туманидаги улгуржи-чакана савдо ишлаб ниқариш ҳиссадорлик жамияти, Комсомолобод, Марҳамат туманларидаги механизациялашган кўчма колонналар бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги маърифат марказларининг ишлари диққатга сазовордир.

Биз маърифат марказларини ташкил этишда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймасликка ҳаракат қилдик. Ажратилган хоналар, авваламбор, кенг омма фойдаланиши учун қулай бўлишига эътибор берилди. Уларни эстетик жиҳатдан дид билан жиҳозлашга, республика, вилоят, туман, шаҳар ва меҳнат жамоасининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирувчи лавҳалар билан безатишга эришдик. Хоналарга Ўзбекистон Республикасини суверен давлат сифатида дунёга танитадиган белгилар: Герб, Байроқ, Мадҳия матни, Конституция ва Президент портрети қўйилди.

Бундан ташқари, хоналарда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган йили ва куни, маҳалла, жамоа, республика, вилоят, туман, шаҳар миқёсида ХДПга аъзо бўлиб турганлар сони, партиянинг ўз олдига қўйган асосий мақсадлари ва вазифалари ёзиб қўйилган.

Маърифат марказларида ўзгармайдиган ва ўзгарувчан стендлар бор. Ўзгарувчан стендлар доимо ҳаракатда бўлади. Масалан, фаолият кўрсатаётган деярли барча марказларда «Бугун: муҳим мавзу», деб номланган стенд ташкил этилган бўлиб, унга республика Президентининг янги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг янги қарорлари қўйиб борилади. Айрим маърифат марказлари ҳузурида доимий ишлайдиган сиёсий клублар ташкил этилган. Улар ўз иш режаси асосида машғулотлар олиб бормоқдалар. Машғулотларда турли касбдаги раҳбарлар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилади. Масалан, Пахтаобод туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалигидаги сиёсий ўқишлар, сиёсий мунозаралар клубининг қатор машғулотлари туман прокурори, туман ички ишлар бўлими бошлиғи, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби иштироки ва ёрдамида ўтказилди.

Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари, сиёсий ўқишлар, сиёсий кунлар, турли учрашувлар ва бошқа кўплаб тадбирлар айнан маърифат хоналарида ўтказилмоқда. Ўзбекистон ХДП ташкил топганига тўрт йил тўлиши арафасида маърифат марказларининг вилоят кўрик-танловига якун ясаш режалаштирилган. Ғолибларга I, II, III даражадаги дипломлар ҳамда пул мукофотлари топширилади.

МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ – БИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ФА вице-президенти, академик

Кейинги бир ярим аср давомида тобелик бўйинтуруғини кўтариб келган халқимиз ниҳоят, йигирма биринчи аср бўсағасида, миллий мустақилликка эришди. Мана, тўрт йилдирки, биз эркин нафас олиб, ўзимизга мос тараққиёт йўлидан бормоқдамиз.

СССРнинг емирилиши миллий истиқлолни қўлга киритишни бирмунча енгиллаштирган бўлса-да, маъмурий қўмондонлик тизимидан бизга оғир мерос қолганлигини унутмаслик керак. Собиқ марказнинг халқлар манфаатларига мутлақо зид кўп йиллик сиёсати оқибатлари — жуда заиф, бирёқлама ривожланган иқтисодиёт, оғир ижтимоий — экологик вазият, йирик сармояларнинг йўқлиги мустақил давлатимиз елкасига оғир юк бўлиб тушди.

Бундай аянчли аҳволдан тезроқ қутилиш ва ижтимоий тараққиётнинг равон йўлига тушишнинг ягона яроқли воситаси — бозор муносабатларига ўтиш эканлигини теран идрок этган Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатимиздаги аҳвол, унинг иқтисодий салоҳияти, табиий ва нуфусий имкониятлари ҳамда жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш асосида тараққиётнинг ўзига хос, турмуш тарзимизга мос йўлини асослаб берди. Айниқса, республикамиз Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўтиш даврининг беш тамойили юртимизда янгича жамиятни барпо этишда муҳим стратегик аҳамият касб этди. Унинг асосида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг, мустабидчилик давридан қолган давлат ва бошқарув тузилмаларини тубдан ўзгартиришнинг, маънавий янгиланишнинг пухта-пишиқ дастурлари тайёрланиб, уларни амалга оширишга киришилди.

Бундай тақдириломон ишларни бажариш, дарҳақиқат, катта меҳнатни талаб қиладиган узоқ муддатли жараёндир. Лекин, шундай бўлсада, дастлабки натижалар, юртбошимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида қайд этилганидек, ёмон бўлмаяпти.

Ўтган тўрт йил ичида миллий давлатчилигимиз пойдеворини бунёд этишда салмоқли ишлар қилинди. Жумладан, жаҳон демократик андозаларига тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Конституцияси ва юзлаб қонунлар қабул қилинди. Кўмондонлик ва тақсимотчилик билан шуғулланиб келган вазирликлар ўрнига бозор муносабатлари учун зарур бошқарув тузилмалари шакллантирилмоқда, молия маҳкамалари ва банклар фаолиятининг мазмуни ўзгармоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан ўтказилиши туфайли республикамизда бозор тузилмалари вужудга келмоқда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигига эришилмоқда ҳамда уларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланмоқда.

Айни замонда, мустақилликнинг иқтисодий пойдеворини барпо этиш мақсадида пахта ва бошқа хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатнинг автомобилсозлик, электроника каби етакчи тармоқларини вужудга келтириш, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, енгил, озиқ-овқат корхоналарини замонавийлаштириш йўлидан борилмоқда. Натижада, кенг истеъмол молларини ўзимизда ишлаб чиқариш кўпаймоқда, четдан тайёр маҳсулотлар олиб келиш ва хорижга хом ашё чиқариш хажмлари қисқармоқда.

Барча иқтисодий, сиёсий ислоҳотларимиздан кўзланган мақсад — инсонларга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдан иборат. Шуни назарда тутган мамлакатимиз ҳукумати кучли ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиб, уни собитқадамлик билан юргизиб келмоқда. Даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш, аҳолининг кам таъминланган қатламларига иқтисодий енгиллик, ижтимоий имтиёзлар бериш каби бошқа кўпгина чора-тадбирлар шу йўналишда қўйилган салмоқли қадамлардандир.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан яна бири — мафкуравий мутеликдан қутулиш, маънавий уйғониш томон бурилишнинг содир бўлганлигидир. Собиқ шўролар тизими халқимизнинг бой маданияти, қадимий анъаналарини, миллий қадриятларимизни йўққа чиқаришга ҳаракат қилди. Эндиликда, бундай номаъқул сиёсатга чек қўйилди, маънавий тозариш, маданий уйғониш палласи бошланди.

Ривожланишимизнинг қайси соҳасини олманг, уларнинг барчасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ҳиссаси борлигини кўрасиз. Партиямизнинг дастурий ғояларига ҳамоҳанг, ташкилотларимизнинг ташаббуси билан йўғрилган ислоҳотлар сиёсати жойларда юргизилмоқда. Булар туфайли ҳаёт тарзимиз, руҳиятимиз ўзгармоқда, Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштириш сари дадил қадамлар ташланмоқда.

ХДП аъзолари миллий истиқлолимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишни ўзларининг муқаддас бурчлари, деб биладилар.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ҳамро ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби

Кадрларни танлаш, тарбиялаш, масъул лавозимларга тавсия этишни фаолиятимизнинг муҳим қисми ҳисоблаймиз. Бу соҳадаги ишларни Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДПнинг кадрлар сиёсатига оид дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича Сурхондарё вилоят партия кенгаши фаолияти тўғрисида»ги қарорига асосан олиб бормоқдамиз. Айтиш лозимки, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ушбу қарорни бажариш юзасидан бир қатор ташкилий-сиёсий ишларни амалга оширди. Сиёсий ижроқўм қароридан келиб чиқадиган вазифалар вилоят кенгаши XII пленумида атрофлича муҳокама этилди ва маъқулланди, бу борада аниқ тадбирлар белгиланди.

Вилоятдаги раҳбар кадрларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида вилоят ҳокимлиги билан «Вилоят раҳбар ва ўрта бўғин кадрларининг иқтисодий ва ҳуқуқий ўқувларини ташкил этиш тўғрисида» қўшма қарор қабул қилинди. Шунингдек, вилоят кенгаши ижроия бюросида «Ўзбекистон ХДП Шеробод туман кенгашининг «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДПнинг кадрлар сиёсатига оид дастурий мақсадларини амалга ошириш бўйича Сурхондарё вилоят партия кенгаши фаолияти тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, тумандаги раҳбар кадрлар билан ишлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Кадрларни танлашда, тарбиялашда ва тавсия этишда биз уларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги фаоллиги ва шахсий фазилатларини, яъни ташаббускорлиги, ғайрати, ишни кўзини билиши каби қобилиятларини ҳисобга олаяпмиз. Ўзининг сиёсий етуклигини кўрсатган, партия кенгашларида ишлаётган масъул ходимлардан 13 киши ҳокимлик идоралари, хўжалик ва ташкилотларнинг раҳбарлик вазифаларига тавсия этилди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришда, иқтисодий ислоҳотларни тезроқ амалга оширишда ва мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон ХДП аъзоси бўлган барча даражадаги депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш вилоят партия кенгашининг диққат марказида турибди. Юқорида таъкидланган қарор ҳамда тадбирларга асосан, Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига депутатликка кўрсатиладиган номзодлари захирасини шакллантирдик, 1994 йил 26 октябрь куни бўлиб ўтган вилоят кенгаши IX пленумида сайловларга оид масалалар атрофлича муҳокама этилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар тавсия қилинди, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига ХДПдан номзодлар кўрсатилди. Ўзбекистон ХДП шаҳар ва район партия кенгашлари пленумларида вилоятимиз тегишли шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар белгиланди.

Сайловларни ўтказиш арафасида биз аҳоли ўртасида тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастурини кенг тарғиб қилиш асосига қурдик. Олиб борилган сиёсий, ташкилий ва тарғибий ишларимиз ўзининг ижобий натижаларини берди. Вилоятимизда номзодликка кўрсатилган 11 кишидан 6 нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Ўзбекистон ХДПдан депутат этиб сайланди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатларининг 36 нафари, яъни 65 фоизи, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатларининг 337 нафари ёки 75 фоизи партиямиз рўйхатидан сайланган.

Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар билан ишлаш, уларга ёрдам бериш, таянниш — кадрлар сиёсатида иштирок этишимизнинг муҳим мурватидир. Биз вилоятимиздаги иқтисодий-ижтимоий аҳволни яхшилашга ана шу вакилларимиз орқали ёрдам бермоқчимиз.

Учрашувда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолиятида, юртбошимиз И. А. Каримов кўрсатганидек, янги дастурларни ишлаб чиқиш, омма орасига кўпроқ кириб бориш ва бошқа соҳаларда нуқсонлар ҳам мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Негаки, ўтиш даврининг мураккаб шароитларида ҳанузгача ўз ўринларини топиб олмаган айрим вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотлари йўқ эмас. Замонавий иш услубларини ўзлаштириш, ташаббускорлик ва изланувчанлик кўрсатиш, партия иши таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, баъзи бир раҳбар ходимлар кайфиятидаги боқимандалик иллатидан тезроқ қутилиш — давр талаби, ҳаёт тақозосидир.

ХДП аъзоларининг, аҳолининг турли қатламлари орасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, уларнинг ислоҳотларда бевосита иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, партиямиздан давлат ҳокимияти турли даражаларидаги идораларга сайланган депутатларга амалий ёрдам кўрсатиш, илғор тажрибаларни кенг тарғиб этиш, уларда ватанпарварлик, юксак сиёсий маданиятлилик, халқчиллик каби фазилатларни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Яқин кунлардаги асосий вазифа — бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларини пишиқ-пухта тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказишдан иборатдир.

«Давра суҳбати» тадрижий, таҳлилий ва назарий ўзанларда, эркин мулоқот тарзида борди. Унда партиямизнинг жорий сиёсатига аниқликлар киритади, унинг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади, деб умид билдирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МК МАТБУОТ МАРКАЗИ.

бабларини суриштириш ёки таҳлил қилиш ниятим ҳам йўқ. Негаки, халқимизнинг: «Қисматдан қочиб бўлмас», «Ҳар ким пешонасига ёзилганини кўради» деган ибратли нақлларига жуда ишонаман.

Мени қийнагани — бошқа. Нега энди баъзи оилаларда фарзандларимиз шунчалар худбин, қўрқоқ, ношуд, шунчалар шафқатсиз бўлиб ўсишмоқда! 14 ёки 15 ёш — қичкина ёш эмас... Бу ёшда оқу қорани танишга оз бўлса-да, улгуриш мумкин эдику! Агар ўша ўсмирлар жиноят билан бурчнинг фарқига етганларида, миршаблардан қўрқмаганларида, эҳтимол, бу фалокатнинг олдини ололган бўлардилар. Уларнинг қуллари эмас — кўзлари жиноят қилди. Энди бу доғнинг изини ҳеч нарса билан ювиб бўлмайди.

Балоғат ёшидаги болаларнинг покиза руҳи, виждони бахтсиз тасодиф туфайли меҳрсизлик ва уқувсизлик, қўрқоқлик ва калтабинлик оқибатида қаттиқ лат едики, бу дарднинг азоби йиллар ўтган сари кучаяверади, кучаяверади.

Баъзан мактаб ўйингоҳларида тўп тепаётган ўқувчиларни кузатиб ёқа ушлайман. Оғзи полвон бу болалар турли тиллардаги турли ҳақоратларни қандай «ўзлаштириб» олганликларини ўйлаб ҳайратланаман. Улар ҳеч нарсадан ва ҳеч кимдан тап тортмай синфдошининг дуч келган ерига мушт туширишлари ёки калла қўйиши ҳам мумкин. Мактабнинг иккинчи, учинчи қаватидаги деразаларидан ғазаб билан улоқтирилаётган папкаларга ҳам кўп марта кўзим тушган.

Тўғри, бизнинг тенгқурларимиз ҳам фаришта бўлмаган. Улар ҳам тўполон қилишган, ёқалашишган. Лекин, минг шукрки, уларнинг бирбирини шу қадар шалоқ (такрорлашга тил айланмайди) сўзлар билан ҳақоратлаганларини сира эсолмайман. «Жинни», «аҳмоқ», «иқкичи», «кўчирмачи», «уйқучи», «чақимчи» каби дағдағалар бисотимиздаги энг хунук сўзлар эди. Жуда жондан ўтиб кетганда: «Қараб тур, сени домламизга (ёки акамга) айтиб бераман!» деб пўписа қилиб қўярдик.

Ҳозир участка миршабларининг асосий юмуши тарбияси оғир болалар бўлиб қолганки, биз уларни кўпинча мактаб атрофида ёки директор ҳузурида учратамиз. Ҳолбуки, болалигимизда бизнинг ишимиз уларга, уларнинг ишлари бизга тушмасди. Миршаблардан қўрқишни ҳам, қочишни ҳам хаёлимизга келтирмай, бемалол тўполонимизни қилиб ўйнаб-кулиб юраверардик.

Болаларимизни мумкин қадар ўч олишга одатлантирмасак яхши бўларди. Албатта, бунинг учун биз — катталар уларга ибрат бўлишимиз зарур. Негаки, қасоскорлик ва аёвсизлик охири ҳеч бир замонда яхшилик билан тугаган эмас!

Фарзандларимизнинг бир-бирларигагина эмас, ўз-ўзларига нисбатан ҳам шафқатсиз бўлиб кетишаётгани кишини ваҳимага солади.

Бундан тўрт йил илгари яқинимиздаги уй (дом)ларнинг еттинчи қаватидан 12 яшар қизалоқ тушиб кетиб ҳалок бўлганди.

Қуни-қўшниларнинг айтишича, ўша пайтда она касалхонада бўлган. Ота икки қизининг бирига қизил, бирига ҳаворанг кўйлак олиб келади. Ўйда ўзлари ёлғиз қолган қизчалар (бири 10 ёшда, бири 12 ёшда) қизил кўйлакни талашишади. Кичиги қайсарроқ эканми, кўйлакни бермай оёқ тираб туриб олади. Аламига чидолмаган опа синглисидан ўч олиш учун ўзини деразадан пастга...

Ҳар гал ўша шўрлик онани учратганимда этим жунжикиб кетади. Тўғри, у бу фожеани бошқачароқ шарҳлайди: «Қизим, деразага суянмоқчи бўлганда омонат қўйилган ром билан бирга пастга тушиб кетган» деб ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилади.

Болаларга асабийлик ва тажанглик ярашмайди. Улар кечиримли бўлсаларгина яхши. Одатда узоқроқ ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўришга кичкинтойларнинг тоқати етмайди. Шундай экан, фарзандингиз қайсар ва қасоскор бўлса, зинҳор беписанд бўлманг. Токи улар болалик қилиб жаҳл устида тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўйишиб, ўзингизни доғда қолдириб кетмасинлар. Ўжар болангизни шаштидан қайтаринг. Кўнглига йўл топинг. Бу дунёга ҳамма ғанимат эканлигини тушунтиринг.

Баъзан кўча-кўйда, ахлат уюмлари орасида сочлари, қўл-оёқлари юлиниб, кўзлари ўйилиб ётган қўғирчоқларни кўрсам сесканиб кетаман. Наҳотки, шу ишни боғча ёшидаги мунчоқдек қизчаларимиз қилган бўлсалар!

Болаларнинг бойлиги уларнинг ўйинчоқлари-ку! Агар у ўз мулкини талон-торож қилиб, кўчага отаяптими, бу жуда хатарли. Назаримда, ўйинчоғини авайламаган гўдак ўртоғини ҳам, ота-онасини, ака-опаларини ҳам аямайди.

Биз ота-оналар кичкинтойларимизга энг аввало ўзини севишни, қадрлашни ўргатолсак, ўйинчоқларини, дўстларини эъзозлашга одатлантиролсак, кўчада ҳам, ишхонада ҳам хотиржам юришимиз мумкин. Токи ўзини севмаган, қадрламаган одам ўзгага ҳам кўнгил қўёлмайди.

Дунёдаги ҳеч бир меҳр, ҳеч бир муҳаббат йўқки, унинг жавоби, акс-садоси бўлмаса! Зеро, болаликда уйғонган меҳр ҳам, ихлос ҳам барқарор бўлади.

Умид билан фарзанд ўстираётган эканмиз, уларнинг заиф ва кучли жиҳатларини бир лаҳза ҳам унутмайлик, мумкин қадар кўпроқ меҳр бериб, кўпроқ эркалатайлик. Токи, улар ҳаётнинг ширинлигини, дунёнинг гўзаллигини, эзгуликнинг боқийлигини яхшироқ ҳис қилиб — яйраб-яшнаб улғайсинлар. Фарзандларимизга чиройли кулишни, чиройли юришни, чиройли муомаланигина эмас, раҳмдил бўлишни, ўзини аяшни, андиша қилишни, гуноҳдан қўрқишни, уялишни ҳам ўргатайлик.

Фарзанд ҳақидаги ҳар бир сўз ота-онага берилган баҳодир ва у энг одил, энг тўғри баҳодир. Агар биз ўғил-қизларимиз ҳақида бирор ножўя сўз эшитсак, ёмон баҳо олган ўқувчидек ер чизиб қоламиз. Одатда катталарнинг гуноҳи учун болалар жавоб бермайди. Лекин фарзанд хатога йўл қўйса, бунинг учун энг биринчи ота-она айбдор! Болангиз шафқатсиз бўлса, демак, сиз ҳам раҳмдил эмассиз. Унинг уқувсизлиги ва ношудлиги ҳам сизнинг лоқайдлигингиз, беписандлигингиз оқибати.

Не бахтки, фарзанд кўриш кўпчиликка насиб этади. Лекин волидаи муҳтарама, падари бузруквор деган шарафли унвонларга балки ҳамма ҳам муносиб бўлолмас... Кексалар ўғил-қизларини «Орқамда қолгин» деб дуо қиладилар. Демак, болаларни ҳаётда ўз ўрнига қўйиб, улар билан хотиржам видолашиш ҳам бахт.

Полвон халқи ҳалол бўлади-да...

Ота-оналик даъво қилиш осон. Лекин оталикнинг, оналикнинг шартларини охиригача уддалаш мушкулдирки, бунинг учун ўзимизни ўзимиз назорат қилишимиз, ҳамиша ҳушёр яшашимиз керак. Токи жигарпораларимиз бизга эргашиб, бизга тақлид қилиб янглишмасинлар.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

УСМОНОВНИНГ САРҲИСОБИ

Эҳтиром

Инсон борки, бир умр ҳаётда ўз ўрнини излаб яшайди. Биров топади, биров... Ҳар ким ўз вазифасини адо этгиси, елкасидаги юкни енгиллаштиргиси келади.

Ҳикматларда айтилишича, ҳақиқий касбу камол топиш ҳам фақат илм билан ҳосил бўлади. Ўз касби билан жамиятда ҳақиқий ўрнини топганлардан бири жонкуяр тарихчи олим ва моҳир педагог Қамариддин Усмоновдир.

Қамариддин Усмонов 60 баҳорни босиб ўтди. Бу давр чигал ва мураккаб давр бўлиш билан бирга у киши учун ниҳоятда масъулиятли йиллар бўлди.

Қамариддин Усмонов аввал Жиззах вилояти Фориш тумани Илончи (Тўқай) қишлоғида тўлиқсиз ўрта мактабда, 1952-1956 йилларда Ҳамид Олимжон номли Жиззах педагогика билим юртида таҳсил олди.

Навоий номли Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида ўқиган йиллари унинг фаолиятида, ҳаётида алоҳида аҳамият касб этади.

Қ. Усмонов педагоглик фаолиятининг биринчи йилидаёқ кимки илм уруғини сепса, мевасига сазовор бўлишини тушуниб етган эди. Мана орадан 30 йилдан кўпроқ вақт ўтишига қарамай у киши ҳамон илмнинг сўнгсиз мевасини йиғиб келмоқда.

1967-1991 йиллар даврида домла Тошкент халқ хўжалиги институтида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, катта илмий ходим, кафедра мудири ва ниҳоят профессор лавозимигача бўлган масъулиятли босқични босиб ўтди. Узоқ йиллар мобайнида докторлик диссертацияси устида Ўзбекистонда зиёли кадрларнинг шаклланиши тарихига оид муаммо бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Бу муаммога бағишланган йирик монографик ишлар ва қатор рисола, илмий мақолалар чоп этди.

Мустақиллик шароитида олий мактаб профессор-ўқитувчиларининг назарий билим савиясини, педагогик маҳоратини ошириш долзарб вазифалардан бирига айланди. Шу муносабат билан 1993 йилда Президентимиз Фармони билан ТошДУ ҳузурида Олий педагогика институти очилди. Профессор Қ. Усмонов мазкур институтга таклиф қилинди ва унинг фаолиятида янги, масъулиятли давр бошланди. Фидойи устоз институтда тарих фанлари кафедрасини ташкил этди. Етакчи тарихчи олимларни тўплаб, кафедра мудири сифатида олий ўқув юртлари тарихчи профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишдек масъулиятли ишга бошчилик қилди. 1995 йил сентябрдан бошлаб мазкур институтда илмий-услубий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаётир.

Моҳир педагог олим истиқлол ғояси талабларидан келиб чиқиб ўзининг сўнгги беш йиллик илмий педагоглик фаолиятида янги йўналишда диққатга сазовор муаммолар устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига, фаол ташқи сиёсатининг асосий йўналишларига ва халқаро муносабатларга доир масалалар олим фаолиятининг ўзагини ташкил этмоқда.

Маълумки, ўз муаллимини ва устозини эъзозлаш, ҳурмат ва эҳтиромини адо қилиш ҳар бир инсон учун маънавий бурчдир. Негаки, устоз инсон руҳини тарбиялайди, маънавий бойлик билан тўлдиради, уни руҳий ва маънавий иллатлардан поклайди. Муаллим ва устоз шундай зотки, у инсониятни илм безаги билан зийнатлайди. Қамариддин Усмонов ҳам худди шундай фазилатлар соҳибидир. Унинг қўлида таълим олган минглаб ёш мутахассислар ҳозирги кунда турли соҳаларда фаолият кўрсатиб эл ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Халқимизда «Одам ўз элига яхшилик қилиш билан уларнинг улуғига айланади» деган ҳикмат бор. Қ. Усмонов 40 йиллик илмий-педагоглик ва ижтимоий фаолиятида ўз Ватанига, элига, юртига содиқ хизмат қилди. Бир киши ариқ қазиса, минг киши сув ичади, деганларидек яхшининг шарофати билан не-не эзгу ишлар бўй кўрсатади. Қамариддин Усмонов элга тақдим этган илмий-назарий қўлланмалар, дарсликлар ва дастурлар бир инсон умри учун ибратли мундарижадир.

Равшан САНГИРОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.
Неъмат ИНОЯТОВ,
тарих фанлари номзоди.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

70 фоизи АҚШдаги конвейердан!

"Konica U-BIX"

нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.

Кафолат - бир йил.

Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.

Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.

Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

Туронзамин лаззати

БОЗОРИГА БОР, ДАСТУРХОНИНИ КУЗАТ



Қардошларимизнинг пазандалик санъати ҳам кўп асрлик тарихга эга бўлиб, йиллар оша замонавий мазмун ва шакл касб этиб келмоқда. Жумладан, отабоболарнинг бу борадаги тажрибасини қўллаш ҳамда замонавий таом тайёрлаш усулларига мослашиш оқибатида миллий пазандаликнинг янги шакли юзага келган. Эътироф этиш керакки, Туронзамин халқлари пазандалигида ўхшашликлар кўп. Айниқса, тожик билан ўзбекнинг дастурхонидаги таомларни ҳамма ҳам осонликча ажрата олмайди.

Аммо, тожик пазандалигида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Жумладан, гўшт, сут маҳсулотлари, дуккаклилар, гуруч ва ун кўпроқ тасарруф этилади. Балиқ, тухум, ёрмаларни айрим турлари эса кам ишлатилади. Қўй, мол, баъзи ҳолларда парранда гўшти маъқул кўрилади. Мамлакат тоғли ҳудудда жойлашгани учун ёввойи ҳайвонларнинг гўштидан ҳам турли пиширик ва таомлар тайёрлаш одат тусига кирган. Ёғи олинмаган ё олинган сут ва уни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар дастурхонга кўпроқ тортилади.

Илгари вақтларда таом тайёрлашда ун, гуруч кўп ишлатилган бўлса, кейинги даврларга келиб макарон маҳсулотларидан фойдаланиш ҳам расм бўлди. Тожиклар сабзавотлардан сабзи, шолғом, қовоқ, турп, карам, помидор ҳамда ҳар хил кўкат, зираворлардан етарли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Асосан пахта ёғи ишлатилади. Қишлоқ жойларда кунжут, зиғир, қовун уруғи, ёнғоқ, ўрик, ҳатто шафтоли данакларидан олинадиган мойлардан ҳам фойдаланилмоқда. Лекин қиш ойлари бошланиши билан қўй ёғи, айниқса думба кўпроқ ишлатилади. Кўпчилик қўй ёғи билан пахта мойининг омухтасини маъқул кўради.

Тожик миллий таомларининг хусусиятларида яна шу нарса борки, миллий таомлар умумий овқатланиш корхоналарида етарлича ҳозирланади. Жумладан, ҳозирги вақтда яхна овқатлар, газаклар 40, суюқ овқатлар — 80, қуюқ овқатлар — 127, иссиқ ва совуқ ичимликлардан 16 хилини ошхоналардаги таомлар рўйхатида кузатиш мумкин. Суюқ таомлардан айниқса шўрва, мастава ва угра, қуюқ овқатлардан хамир ва сабзавотли, гўштли таомлар кўпроқ тайёрланади. Қизиғи шундаки, тожик пазандалигида ҳам таомларни биринчи ва иккинчига ажратиш қийин. Чунки ҳар бир хўрандага таомлар 700—800 граммлик қилиб сузилади. Бундай таомлар тўйимли бўлганлиги учун ҳам иккинчи овқатга эҳтиёж қолмайди.

Одилжон МАҲМУДОВ,
техника фанлари номзоди.

СУРАТДА: тожик таом ва пиширириқларидан намуна.

ТАШКИЛОТ

пул ўтказиш йўли билан қуйидагиларни сотади:

- *Паронит — умуммақсадли паронит 2,3мм (прокладка материали);*
- *подшипниклар*
- *шарикли ручкалар*
- *подшипниклар келтириб бериш юзасидан шартномалар тузамиз*

Телефон: (3712) 33-41-47.

Ажаб савдолар

Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси ва вилоят прокуратураси ҳамкорликда вилоят хўжаликларида ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш, фойдаланиш ва ҳисобдан чиқаришда белгиланган қонун-қоидаларга риоя этилиши бўйича текширишлар ўтказишди. Унда нефть маҳсулотларини талон-тарож қилиш ва улардан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик каби ҳолатлар аниқланди.

Хусусан, Меҳнатобод туманидаги Ҳамза номли ширкатлар уюшмаси текширилганда ушбу хўжаликнинг ёқилғи-мойлаш материаллари омбори мудири Б. Асқаров 23 август куни 601-сонли ишонч қоғози билан хўжалик эҳтиёжлари учун Ховос нефть базасидан 4 тонна 843 литр дизель ёқилғиси олиб, уни хўжалик ҳисобига кирим қилиш ўрнига, сотиб фойдани чўнтагига уриш учун ўз танишига бериб юборгани аниқланди.

АВТОМОЙНИ «ИЧИБ» ҚЎЙИБДИ

Худди шунга ўхшаш аҳвол Усмон Юсупов номидаги уюшмада ҳам аниқланди. Хўжаликнинг ёқилғи-мойлаш материаллари омбори мудири У. Тангиров Ховос нефть базасидан 8 тонна 258 литр қайта ишланган автомобиль мойи олганлигини ҳужжатлаштирган ҳолда уни олмаган. Янгиер шаҳридаги 4-автохўжалик ёқилғи-мойлаш материаллари омбори мудири И. Қўлдошев ҳам Ховос нефть базасидан 7 тонна 175 литр қайта ишланган автомобиль мойи олганлигини ҳужжатлаштирган ҳолда уни олмаган.

Ховос туманидаги Ховос ширкатлар уюшмаси ёқилғи-мойлаш материаллари омбори текширилганда унинг мудири С. Абдураимов дизель ёқилғисидан 5 тонна 180 литр, бензиндан 5 тонна 177 литр камомадга йўл қўйгани аниқланди. Меҳнатобод туманидаги Э. Каҳҳоров номли уюшманинг ёқилғи-мойлаш материаллари омбори мудири Б. Шодмонқулов ҳам дизель ёқилғисидан 2 тонна 159 литр, бензиндан 280 литр камомадга йўл қўйди.

Юқоридаги келтирилган барча ҳолатлар бўйича қўшимча суриштирув ва тафтиш ишлари олиб борилмоқда.

Ибодулла ЎСАРОВ.

Ғаройиб олам

ҲОЗИР ҲАМ ОДАМ ЕЙИШАДИМИ?

Янги Гвинеяга йўл олган экспедиция олға юрган сари электр, газ, автомобиль, меҳмонхона, идиш-товоқ кабилар ғаройиботга айланди. Улар ўрнини жунгли, қоялар, ўтиб бўлмас ботқоқ, тошқин дарёлар, чивинлар ва тимсоҳлар, одамлар ҳамда... одамхўрлар эгаллай бошлайди.

Бу ерларда ҳар доим одам ейишган. Ҳозир ҳам ейишади. Янги Гвинея (Ириан-Жан) 1963 йили Индонезия Республикаси таркибига кирганига қарамай ҳануз ейилади. Индонезия полицияси ва армияси ўз ишларини яхши биладилар, аммо ботқоқ жунглида умрида оқ одамни кўриш у ёқда турсин, йиллаб яқин қўшниси билан учрашмаган қабилалар яшайди. Уларнинг ҳамон одамхўрлигига яли қабиласи жангчилари 1994 йили икки миссионерни ўлдириб еганлари исботдир. Қабила бошлиғи ҳозир қамоқда ётибди, ўша ерда ўлса керак. Чунки табиат қучоғида туғилиб яшаган ёввойилар учун қамоқ ўлимдир.

АВК телестудияси ва «Экспресс-Лайн» саёҳат фирмаси уюштирган экспедиция ушбу қабила орасида бўлиб бир неча кун яшади. Экспедиция аъзоларининг фикрича, одамхўрлик тўқликка шўхлик эмас. Қисман бу қадимги русум бўлиб, мақсад душманлар ва табиат руҳларига ўз шафқатсизликларини кўрсатиб қўйишдир. Қисман эса гўшти ейилган одамнинг куч ва жасурлиги сенга ўтади, деган ишонч бор. Кўпинча бу ҳодиса қабилалараро уруш ёки колонистлар билан тўқнашганда душман асирга тушса содир бўлади. Лекин папаус ҳеч қачон ўзига ўхшаганни шунчаки очликдан емайди.

Улар ювинишга ювинади-ю, барибир ёввойи ҳайвон ҳиди келиб туради. Миссионерлар самолётдан кийим ва егулик солинган тугунлар ташлайдилар. Мутлақо ваҳший одамлар замонавий кийимлар кийиб оладилар ҳамда то баданларида чириб тушмагунча ечмайдилар. Улар кўпи билан 35—40 йил умр кўради. Ириан-Жан жунглиларида амазонкаликлар (юнон афсоналаридаги жанговар хотин) қаердан пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Лекин аёллар қабиласи ҳудудига беруҳсат кириш ёмон оқибат билан тугаши ҳаммага маълум. Фақат йилига бир марта, саго пальмаси гуллаганда уларнинг ўзлари бошқа қабилалар томон сузиб борадилар. Аёллар бегона қабила қишлоғини кўриб бўлгач, суқмоқларга гул-белгилар ташлаб кетишади. Шунда қабила эркаклари улар ёнига қараб йўл оладилар ва анча кун йўқолиб кетадилар. кейин ҳорғин, аммо хурсанд ҳолда қайтиб келишади. Амазонкалар эса бир йилгача ғойиб бўладилар.

О. ФАРМОН тайёрлади.

РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛОТЛАРИ, МУАССАСАЛАРИ ВА КИТОБ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИ ДИҚКАТИГА!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚЎЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ НАШР ЭТМОҚДА ВА УЛАРГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

I "ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ" (2 жилдлик). Безаклари рангли, биринчи жилди нашрдан чиқмоқда. Иккинчи жилди келгуси йил чоп этилади. Биринчи жилднинг тахминий нашриёт баҳоси 30 сўм, иккинчи жилди — 40 сўм.

II. "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" (ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларида). Китоб 1996 йил чоп этилади. Тахминий нашриёт баҳоси 100 сўм.

III. "ОЛТИН ВОДИЙ ЭРТАКЛАРИ". Болаларга мўлжалланган ва нашрдан чиққан, безаклари рангли бу китобнинг нашриёт баҳоси — 14 сўм.

Шунингдек, нашриёт юридик ва жисмоний шахслардан бошқа китоб ва турли матбаа маҳсулотларини нашр этишга тайёрлаш бўйича чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: 700129, Тошкент ш. Навоий, 30.
Тел: 44-22-53, 44-12-61, 44-17-59.

Бодомзор B bodomzor

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ!

"Бодомзор" акционерлик жамияти, корхоналар, ташкилотлар ва барча манфаатдор кишилардан буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртма бергач, Сиз янги йил кечаси ташвишлардан халос бўласиз, болаларни бениҳоя қувонтириб, хурсанд этасиз. Совғалар яхши анъаналарда ва жаҳоннинг энг яхши қандолатчилик фабрикаларида тайёрланган.

ЮКСАК СИФАТ, АРЗОН НАРХЛАР, АЪЛО БЕЗАК.

Ҳар 40-совға бепул!

Ҳақ тўлаш шакли — турлича.

БИЗ СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Қуйидаги телефонлар бўйича бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 63-73-96, 63-99-62. Факс: 60-05-74.

Бизнинг манзил: 700140, Тошкент, Ж. Обидова кўчаси, 260-уй. Йўналиш: САМПИ институти.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги юқори самарали ва арзон дориларни тавсия этади.

АЛЛАПИНИН — *пароксизмал аритмияни даволашга мўлжалланган восита.*

МЕДАМИН — *антигельминт дориси, ичак нематодига қарши энг яхши самара беради.*

ДИМЕДРОЛ — *аллергияли хасталикларни, эшак еми, қичима дерматозни даволашда яхши самара беради.*

ФИТИН — *қоннинг янгиланиб туришига кўмаклашади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, шунингдек, гипотония, жазава хасталиклари ва жинсий ожизликни даволашда қўлланилади.*

АНАБАЗИН — *кашандалик хуморини пасайтиради.*

РУТИН — *гипо ва авитаминоз, диатез, бот, гипертонияни даволашда яхши самара беради.*

ТЭФЭСТРОЛ — *гинекология ва акушерлик амалиётида қўлланилади.*

ДЕЗОКСИПЕГАНИН ГИДРОХЛОРИД — *мияда қон айланиши бузилганда ва миостеанияни даволаш учун зарур.*

"АНТИ-БИТ" — *педикулез хасталигини даволашда, битни йўқотишда қўлланилади.*

"ИНТРОЦЕЛ" — *озиш учун кўмаклашади, организмдан шлакларни, оғир металл тузларини, радионуклидларни, токсинларни ва бактерияларни чиқаради, ичак фаолиятини яхшилайди.*

КАЛЕНДУЛА НАСТОЙКАСИ — *юқори нафас олиш йўллари шамоллаш хасталикларини, ангинани, яра-чақаларни даволашда қўлланилади.*

ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ШАРБАТИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

ҚЎКРАК СУЮК ДОРИСИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ШАРБАТИ — *авитаминоз олдини олишда яхши самара беради.*

Бу дориларни ва боғлаш ашёларини "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси фирма дорихоналаридан сотиб олишингиз мумкин.

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-60-59, 56-71-68, 54-69-78.

ТАШКИЛОТ

Флягалардаги Ярославль МЛ-12 автомобиль эмалини, Тошкент лак-бўёқ заводида ишлаб чиқарилган турли бўёқларни, САЕ-85в автомобиль мойини

СОТАДИ

шунингдек, бўёқ ва эмалларни 0,22 — 0,25 мм. ҳажмидаги ЭЖК, ЭЖР тунукаларига ҳамда «КамАЗ» 54212, «РАФ» русумидаги автомобилларига алмаштиради.

Телефон: 41-44-20.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан колбаса цехини ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— дудланган ва қайнатилган колбаса, сосиска ва сарделкаларнинг 5 хили тайёрланади;

— бир иш сменасида 500 кг, маҳсулот ишлаб чиқарилади;

— қурилма ва ускуналар озиқ-овқат саноати учун мўлжалланган зангламайдиган пўлатдан тайёрланган.

Усть Катаевск шаҳрида ишлаб чиқарилган колбаса цехи бошқарув шчити, гўшт майдалагич, тутун тортиш генератори, кутер, ташиш-юклаш транспортёри ва дудлаш қурилмасидан иборат. 4 киши хизмат кўрсатади. Эгаллаган майдони 4000x5000x3000 см.

Телефон: 75-85-19.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жизҳада — 3-31-86; Навоийда — 3-75-43; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90; Тошкентда — 33-54-55; Урганчда — 6-51-35; Фарғонада — 26-37-16; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г — 0436.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

А 23456.